Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 24 октябрь, сешанба | № 43 (195) | Сотувда эркин нархда

**Ушбу сонда:**

*ЖАЗО — бола туғилгандан сўнг...*

...Аёл бечора 180 марта қамчи билан уришга ҳукм қилинди: Жазолаш бола туғилгандан 40 кун кейин амалга ошрилади...

2-бет

*Қонун лойиҳаси муҳокамада*

## СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонуни республикамизда одил судловни амалга ошириш фаолиятини белгилаб келаётган эди. Аммо реал ҳаёт, шиддатли турмуш ва янги поғоналарга чиқишимиз ўз корректларини киритмоқда. Жумладан, жамиятдаги кенг кўламли ислоҳотлар судлар фаолиятини ҳам янгича қуришни тақозо этмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек, шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиги, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқига эга. У тўлақонли таъминланиши керак.

Шу боисдан ва заруратдан келиб чиқиб, мамлакатиимзда судлар ҳақидаги қонунни янгилаш, уни тўлдириш талаби юзага келди.

"Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири лойиҳаси ана шу мақсадга қаратилган бўлиб, у 5 та бўлим, 84 моддадан иборатдир.

Хўш, унда қайси янги жиҳатлар мавжуд?

Аввало, биринчи янгилик, бу мамлакат суд тизимининг янги таҳрирда баён этилишидир. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари тарзида баён этилган.

Лойиҳанинг 2-бобида Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари ва Тошкент шаҳар суди ваколатлари янги таҳрирда берилиб, судларнинг ихтисослашуви жорий қилинганлиги акс этган.

Лойиҳанинг 3-бобида Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судллар, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг таркиби ва ваколатлари белгиланган бўлиб, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судида маъмурий ишлар бўйича судьялар бўлишлиги кўрсатилган.

Демак, янги Қонуннинг асосий моҳияти Ўзбекистон Республикасида судга тааллуқли ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви ва Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари ҳамда Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари томонидан ишларни ўз ваколатлари доирасида апелляция тартибида кўришни жорий қилинишидир.

Бугун мазкур Қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик ўртасида, жумладан, ҳуқуқшунослар орасида чуқур муҳокама қилинмоқда, ўрганилаяпти. Шу боис уни ўрганиш жараёнида туғилган баъзи таклифларимизни билдирмоқчимиз.

Биринчидан, фуқароларнинг судларга мурожаат қилиш жараёнини соддалаштириш ва ўз яшаш жойларида судга ариза топшириш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида лойиҳада кўрсатилганидек — фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд эмас, балки фуқаролик ишлари бўйича туман судлари жорий қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Балким бунинг қайсидир маънода маблағ билан боғлиқлик жойи бордир. Лекин фуқаро учун қулайлик, судларнинг маълум ҳудуд бўйича аниқ макони бўлса, бу ўзини оқлаган бўларди, деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, лойиҳанинг 29-моддасидаги Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди ваколатларига берилган ишларни аппеляция тартибида кўриш ҳуқуқи олдидан "Ўзбекистон Республикаси Олий суди" деган жумла ҳам киритилиши маъқул бўларди. Бу табиийки, фуқаролардан тушадиган ариза ва шикоятларнинг камайишига ва Олий суд мақоми кенгайишига олиб келарди.

Учинчидан, Олий хўжалик суди билан Ўзбекистон Республикаси Олий судини жипслаштириб, Ўзбекистон Республикасида ягона Олий судни ташкил этиш борасида ўйлаб кўриш керак. Шунда мамлакат Олий суди фуқаролик, жиноий, маъмурий, ҳарбий ишлар, хўжалик ишлари бўйича суд ҳокимиятининг яхлит олий органи бўларди.

Шунда судлов амалиётини бир хил юритиш учун амалдаги қонунчиликни бир хил қўллаш имконияти яратилган ҳам бўларди.

**Абдужаббор ҚУРБОНОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

*Халқаро алоқалар*

## АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ТОШКЕНТДА ТЎПЛАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига жадал кириб бораяпти. Бунинг бир кўриниши халқаро алоқалар ва ҳамкорлик одимларида акс этмоқда. Мамлакатимиз том маънодаги ҳуқуқий демократик, очиқ фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган. Шу боисдан хорижий давлатлар билан ҳуқуқий алоқалар ўрнатиш орқали амалиётни юксалтириш, ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу йўлда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир қатор хорижий ва МДҲ давлатлари билан ўзаро фойдали ҳуқуқий ҳамкорлик ўрнатиб, бу тўғрисидаги Битимларни имзолаганлиги ҳақида илгари хабар берган эдик.

Бугун ана шу битим ва ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан амалий қадамлар қўйила бошланди. Республикамиз Адлия вазирлиги ташаббуси билан шу йилнинг 17 октябрида бир қатор мамлакатлар Адлия вазирликлари вакиллари Тошкентда тўпланишди.

"Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик муаммолари" деб номланган семинарда қатнашиш учун Россия Федерацияси, Қозоғистон, Озарбайжон ва Қирғизистон Республикаси Адлия вазирликлари вакиллари ташриф буюришди.

Тошкент Давлат юридик институти мажлислар залида бўлиб ўтган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раҳбарлари, таркибий тармоқ бошлиқлари, ҳуқуқ мутахассислари ва олимлари, бир қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ўқув ва меҳнат жамоалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 1-ўринбосари Ғ.Раҳимов кириш сўзи билан очди ва халқаро анжуман иштирокчиларини олқишлади. У ўз сўзида Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий алоқалари хусусида алоҳида тўхталди, ижобий, самарали натижалар ҳамда келгусида бу борадаги режалар ҳақида фикр билдирди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик Бош бошқармасининг бошлиғи Х.Содиқов "Ўзбекистон қонунчилигининг тараққиёти" мавзусида маъруза қилди ва семинар қатнашчиларини мустақил мамлакатимизда ҳуқуқий база яратилиши жараёнларидан воқиф этди. Сўнг Россия Федерацияси Адлия вазирлиги МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик бўлимининг бошлиғи — Департамент бошлиғининг ўринбосари Россия делегациясининг раҳбари Э.А.Қосимов "МДҲ давлатлари ўртасида ҳуқуқий ёрдам" мавзусида чиқиш қилди.

Семинарда шунингдек, Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Т.Б.Болотбекнинг "Қирғизистон ҳуқуқий тизимида халқаро шартномалар ва уларнинг ижроси" мавзусидаги Озарбайжон Адлия вазирлиги етакчи мутахассиси Т.А.Аккубековнинг "Ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги халқаро шартномалардаги мажбуриятларни бажариш" мавзусидаги, Қозоғистон Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Амиргалиевнинг "Маҳкамавий ва ҳудудий нормативлар яратишда халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик" мавзусидаги, Россия Федерацияси Адлия вазирлиги Департаменти раҳбари Т.Хомчикнинг "Россияда маҳкамавий норматив ҳужжатларни рўйхатга олиш" мавзусидаги, Қозоғистон Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи Г.Жолдибаеванинг "Хорижий ва жамоат бирлашмалари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш ва бу борадаги халқаро алоқалар" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Анжуманда Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи Т.Берекетов "Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий тартибга солиш" мавзусида, М.Ҳакимов "МДҲ давлатлари ҳуқуқий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари" мавзусида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Халқаро семинар кенгаш қизиқарли, кўтаринки руҳда, қизғин баҳс ва мулоҳазалар билдирилган, ишчан вазиятда ўтди. Турли манфаатдор идоралар вакиллари, олимлар ва мутахассисларнинг ўз фикрлари билан қатнашиши тадбирга ижобий руҳ бағишлади.

Муҳими, бугунги кунга келиб ҳамкорликнинг салмоқли ҳуқуқий базаси яратилганлиги, баҳамжиҳат фаолиятнинг амалий қирралари очилиб, ҳуқуқий ёрдамлашув ва ахборот алмашувларга шароит тўла юзага келганлиги, икки тарафлама манфаатлар учун фаолият кўрсатиш майдони ҳозирланганлиги, ҳуқуқий муносабатларда бирдамликни янада кучайтириш имкониятларидан самарали фойдаланиш вазияти бунёд этилганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Халқаро семинар қатнашчилари ва меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб, уларнинг ташкилий-амалий фаолияти билан танишдилар, Тошкент шаҳар ва вилояти, Самарқанд вилояти адлия бошқармалари ва судларида бўлишиб, бир қатор қизиқарли учрашувлар ўтказишди.

Меҳмонлар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди, тарихий музейлар, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотларни томоша қилишди, улардан орттирган таассуротлари чексиз эканлигини изҳор этишди.

**Файзулла ҚИЛИЧЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг матбуот котиби хизмати раҳбари**



## Биз — табиат фарзандимиз!

4-бет

*Ҳар бир инсон ўзига ҳадя этилмиш табиатнинг соф ҳавосидан тўйиб нафас олишга, унинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиб яшашга интилади. Аммо...*

*Шу сонга хабар*

## ВАТАН ЯГОНАДИР — ВАТАН БИТТАДИР

Ватаннинг ҳар бир қарич ери муқаддас, кўзларга тўтиё. Аммо нега айрим ёшларимиз ўша муқаддас тупроқни оёқости қилмоқда? Нега ўз она юртига қарши тиғ ўқталмоқда? Уларни бу йўлдан қайтармоқ учун нима ишлар қилмоғимиз керак?

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият Маркази, "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ва Сирғали туман ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган "Ватан ягонадир — Ватан биттадир" мавзуидаги мулоқотда бу борадаги ишлар ҳақида гап борди.

Республика Ички Ишлар вазирлиги ходими, милиция подполковниги А.Закруллаев, Тошкент шаҳар прокуратураси ходими Л.Умаров, Сирғали туман суди судьялари С.Султонов, А.Ибрагимов ва бошқа ҳуқуқшунослар мулоҳотга йиғилган шаҳар коллежлари талабларига ҳуқуматимиз ҳамда Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, бугунги кунда барчамиз ҳар қачонгидан ҳам сергак ва ҳушёрроқ бўлишимиз лозимлиги ҳақида гапирдилар.

**Дилфуза ХОНБОБОЕВА**

*Тадбиркорлар адлия идоралари ҳимоясида*

КАШКАДАРЁДА:

### ҚАЙСАР РАИС ҲАМЁНДАН, ҲАМ ЁНДАН ТЎЛАЙДИГАН БЎЛДИ

Муборак тумани, "Гулистон" жамоа хўжалиги раиси У.Намозов шу хўжалик ҳудудида ташкил этилган У.Асланов бошлиқ фермер хўжалигига қонуний ер ажратиб беришни асоссиз рад этиб, фермерни сароби-саргардон қилган. Фермер ҳатто жамоа хўжалигини судга берган. Суд даъвогар фойдасига масалани ҳал қилиб бергандан сўнг ҳам, раис суд қарорини бажаришни ўйламаган.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ушбу мунозарани ўрганиб, қайсар раисга нисбатан судга даъво аризаси киритди. Унга кўра, жавобгардан етказилган маънавий зарар ундириб берилиши талаби қўйилди. Айни пайтда суд қарорини қасддан бажармаганлиги учун У.Намозовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилди.

Муборак туман суди адлия бошқармасининг даъво аризасини қаноатлантириб, раисдан 100 минг сўм миқдорда етказилган маънавий зарарни фермер хўжалиги фойдасига ундириш ҳақида қарор чиқарди. У айни пайтда суд қарорини ижро этишдан қасддан бош тортганлиги учун қонун олдида жавоб беришга жалб қилинди.

Фермер У.Аслоновнинг бузилган қонуний манфаатлари тўлиқ тикланди.

АНДИЖОНДА:

### ФЕРМЕРНИНГ ЕРИ ҚАЙТАРИЛДИ

Бўз тумани М.Жалолов номли жамоа хўжалиги раисаси М.Зокирова қонуний равишда "Шахриёр" фермер хўжалигига ажратилган 19,2 гектар ерни ўзбошимчалик билан олиб қўйган. Фермер вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Текширувда унинг шикоятида келтирган фактлари тасдиқланди. Адлия бошқармаси раисни судга берди. Бўз туман суди бу ҳақдаги даъво аризасини тўлиғича қаноатлантириб, манфаатига путур етган фермерни қонуний ҳимоялади, ерни фермерга қайтариб бериш, ушбу ноқонунийлик оқибатида етказилган қарийб 1 миллион сўмлик моддий ва ярим миллион сўмлик маънавий зарарни ундириб бериш ҳақида қарор чиқарди.

Суд қарори ижро этилди.

ФАРҒОНАДА:

### НАЗОРАТЧИ ТАЪЗИРИНИ ЕДИ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчиси А.Ҳожиакбаров ўзбошимчалиги учун жазоланди.

У Охунбобоев туманилик хусусий тадбиркор А.Фозиловнинг фаолиятига ноқонуний аралашиб, асоссиз текширув ўтказиб, айбсиз тадбиркорни 3500 сўм жаримага тортган.

Тадбиркор вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Факт тасдиқланди.

Адлия бошқармаси назоратчининг ишини судга оширди. Охунбобоев туман суди адлия идорасининг даъво аризасини тўла қаноатлантириб, назоратчи А.Ҳожиакбаровнинг тадбиркорни ноқонуний маъмурий жавобгар қилиш ҳақидаги қарорини бекор қилди, тўлаттирган жаримани тадбиркорга қайтариб олиб берди, айбдорни эса А.Фозилов фойдасига 13,5 минг сўмлик моддий ҳамда 10 минг сўм маънавий зарарни тўлашга мажбур этди.

Ўзбошимчалик ва қонунбузарликнинг оқибати бармоқ тишлаб қолиш эканлигини А. Ҳожиакбаров каби назоратчилар бундан кейин яхшироқ ҳис этсалар ажабмас.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА:

### СОЛИҚЧИЛАР ЧЎНТАК КОВЛАБ ҚОЛИШДИ

Қонликўл туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Тажетов ўз ходими Х.Абдураҳмонов билан биргаликда хусусий тадбиркор О.Қалмуродовнинг фаолиятига ноқонуний аралашиб, уни "савдо қоидаларини бузган"ликда айблаб, асоссиз маъмурий жавобгарликка жалб қилишган.

Тадбиркор Қорақалпоғистон Адлия вазирлигига мурожаат қилди. Текширувда факт тасдиқланди.

Адлия вазири солиқчиларни судга берди. Бу ҳақдаги даъво аризасини кўриб чиққан Хўжайли туман суди уни тўла қаноатлантирди. Солиқ идорасининг асоссиз қарори бекор қилинди. Устига-устак, тадбиркор О.Қалмуродовга ушбу қонунсиз ҳаракат оқибатида 20 минг сўм моддий ва 20 минг сўм маънавий зарар етказилган деб баҳоланиб, ҳар иккала солиқчидан 40 минг сўм ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Тадбиркорнинг манфаати билан ҳисоблашмаган назоратчилар ўз чўнтакларини "ковлаб" қолишга мажбур бўлишди.

**Адлия вазирининг матбуот котиби хизмати**

**(Ушбу мавзудаги туркум хабарларни келгуси сонларда ўқиб борасиз)**





## Ҳамкорлик самараси

**Деҳқон-фермерлар билан Сирдарё туманлараро нефть маҳсулотлари корхонаси жамоаси ўртасида ўзаро алоқалар яхши йўлга қўйилган. Бу йил 870 та шартнома тузилиб, уларнинг тўла бажарилишига эришилмоқда.**

**Ш.Рашидов, Сайхунобод, Гулистон туманларида фермерлар учун алоҳида ёнилғи тарқатиш шахобчалари ишга туширилди.**

**Суратларда: 1.(чапдан) Корхона раҳбари Анорқул Ниёзов фермер Асадулло Бердиқулов билан шартномалар хусусида суҳбатлашмоқда. 2. Бош ёнилғи тарқатувчи (ўртада) Норбек Шўхбердиев Рўзимурод Хайров, Аҳмад Бобоев каби фермерлар билан.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар**

*Ўз уйингни ўзинг асра!*

## ТУЗОҚ

**Шовот туманида жиноятчилар ундан чиқиб кета олмаяпти**

Шўролар замонида "Ҳамма куч ва воситалар иқтисодиётни мустаҳкамлашга", деган даъваткор шиор бўларди ва у омманинг онгига "михлаб", сингдириб туриларди. Тўғри-ю, аммо бутун эътибор давлат иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга қаратилиб, фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий турмуши, бахт-саодати, тинчи-ороми, осойишталигига деярли аҳамият берилмасди. Иш аксарият ҳолларда сўздан нари ўтмасди.

Мамлакат куч-қудратини юксалтириш муддаоси — давлатнинг бирдан-бир тўғри сиёсати. Аммо аҳли фуқаронинг турмушига ҳарорат бера оладиган сиёсатдангина барча наф кўради. Шу боис ҳам истиқлол замонида халқимизнинг тинч-осойишта турмуши, меҳнатини таъминловчи шиорлар ҳам, амалий ишлар ҳам олдинги маррага чиқди. Хуллас, мустақиллик айёмига етгачгина бари ўз ўрни ва измига тушди. Ҳамма эзгу ниятлар тинч-тотувлик ва осойишталик вазиятида рўёбга чиқишини ҳаёт тасдиқлади.

- Мустақиллик ҳавосидан эндигина нафас ола бошлаган кезларимиз эди, - ҳикоя қилади Шовот туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги А.Тожиев. - Вилоят ДАН бўлимида бошлиқ эдим. Бир куни ҳузуримга тушкун кайфиятдаги мўйсафид ташриф буюрди. Полизчи экан. Машҳур Хоразм "гурваги" бошқаларникидан ҳафта-ўн кун илгари унинг пайкалида пишиб етиларкан. Улардан 15-20 тасини машинасига ортиб, ўғли, келини ва набираларига тортиқ қилиш, шу баҳона уларнинг дийдорига тўйиб қайтиш учун кампири ҳамроҳлигида йўлга чиқибди. Афсуски, қовунининг кўпини йўлда ДАН ходимлари "чанқовбосди"га олиб қолишибди. Тошкентга 3-4 та қовун билан етиб борибди. Отанинг сўзларини тинглаб, данг қотгандим, узоқ ўйга чўмгандим.

Милиция бошлиғини тингларканман, хаёлимни "Хўш, ҳозир-чи?" деган савол банд эта борди. Пировардида амин бўлдимки, 25 миллионли халқимизнинг ҳам, унинг йўлбошчисининг ҳам фикри-қараши бир: ўз уйида тинчи-ороми бор кишигина ишини қойиллатади. Шундай экан, мақсад меҳнат кишисининг тинч, осойишта, иноқ ва баҳамжиҳат турмушини таъминлашдан иборат. Энди бу аввалги замондагидек қуруқ гапмас, ижобатини топаётган амалиётдир. Акс ҳолда милициямиз ўз жонини бу қадар жабборга бериб ишламас, ҳуқуқ-тартибот хизматидагилар кунни шу янглиғ беҳаловат ўтказмас эдилар.

- Ўзбекнинг ҳалол ошига четдан туриб оғу солиш ҳоллари кўпая боргач, мадад сўраб жамоатчиликка мурожаат қилдик, - деди туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари Омонбой Аҳмедов, - улар бизни тушунишди. Аҳоли осойишталигини таъминлашда энг яқин кўмакчимизга айланган маҳалла посбонлари гуруҳлари ана шу тариқа юзага келди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага оид қарори ижросини шу йўсинда уддаладик. Ҳозир туман ҳудудида маҳалла посбонлари гуруҳлари 10 тадан ошиқ. Сони эса 200 тага етди.

Суҳбатдошимиз жиноятчиликнинг пайини қирқишда ушбу гуруҳларнинг хизмати беқиёслигини таъкидлади. Дарвоқе, бундай беқиёс хизматлар инсонга инсоний муносабатда бўлинган, қалбларга йўл очилган, топилган жойдагина намоён бўлади. Башарти, милиция оддий фуқаролар тинчи, хотиржамлигини кўзлаб, унинг ҳузурига ошиқмаса, дўстлари сони бу қадар ортмаган, саъй-ҳаракатларига бу қадар хайрихоҳлик билдирилмаган, бел боғлаб кўмакка отланилмаган бўларди. Шовотда одамлар милициянинг режа ва ниятларини маъқуллаб, маҳалла посбонлари билан кифояланиб қолишмади.

(Давоми 3-бетда)

